

## «ТАСДИҚЛАЙМАН»

Фарғона вилояти божхона  
бошқармаси бошлиғи  
ўринбосари, божхона хизмати  
подполковниги



А.Хасанов

2022 год

**Фарғона вилояти божхона бошқармаси тасарруфидаги “Ўзбекистон” ва  
“Фарғона” чегара божхона постларига таранга қарши мосламаларни  
ўрнатиш бўйича**

### ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

#### 1. Қурилманинг вазифаси ва мақсади.

1.1. Таранга қарши мослама ҳар икки йўналишда назорат пункти орқали транспорт воситаларининг руҳсатсиз ўтишини олдини олиш ёки жисмоний тўсиқ бўлиб хизмат қилади.

1.2. Конструкция зарба энергиясини олиб, транспорт воситасининг ҳар икки йўналишда кафолатланган тўхташни таъминлаши керак. Транспорт воситасига жиддий зарар етказиши керак.

#### 2. Конструкцияни ўрнатиш усули ва талаблари.

2.1. Таранга қарши мосламанинг конструкцияси камида 160 мм бўлган швеллердан ясалган бўлиши керак, механик фаоллаштириш механизми билан жиҳозланган ва ҳар икки томондан киришга тўсиқ бўлиши керак.

2.2. Конструкциянинг ҳаракатланувчи қисмлари эскириши туфайли ишламай қолиши мумкин бўлган қисмлари алмаширилиши имконияти мавжуд бўлиши керак.

2.3. Таранга қарши мослама ўрнатилган жойда ёғингарчилик сувлари оқиши учун махсус 100 мм.дан кам бўлмаган полиэтилен қувур бўлиши керак.

2.4. Қурилиш ўлчамлари:

-Қурилма ўрнатилиши режалаштирилган дарвоза оралиғи 4,5 метр;

- кенглиги - 3,7 метр;

- кўтариш баландлиги 50 см дан кам бўлмаган, кўриниш бурчаги 45 даражада;



2.5. Таранга қарши мослама йўлга белгиланган тартибда ўрнатилади ва йўлнинг текислигини бузмаслиги керак.



2.6. Таранга қарши мосламанинг элементлари кўп ҳаракатланадиган оғир транспорт воситалари ўтганда, мустаҳкамлигини йўқотмайдиган эҳтиёт қисмлар ва материаллардан фойдаланилиши керак.

2.7. Механик бошқарув қурилмасига ташқи об-ҳавонинг сальбий таъсир қилмаслиги учун металл қути ичида бўлиши керак.

2.8. Ўрнатувчи корхона томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- асфальт қопламили йўл қатламини бузиш;
- ер ишлари;
- камида 100 мм. қалинликда щебен асос ётқизиш;
- камида 250 мм қалинликда армокаркасли бетон асос қуйиш;
- қурилма ён деворлари 300 мм.дан кам бўлмаган армокаркасли бетон қуйиш;
- Армокаркаслар диаметри 14мм. дан кам бўлмаган арматурадан фойдаланиш;
- Армокаркаслар шаги 200x200 мм.бўлиши шарт;
- Қурилма ўрнатиш учун қуйилган бетон деворлар периметри бўйича 75x75x6 ўлчамли уголок ўрнатиш;
- Кўтариш ва тушириш механизмида редукторли бўлиб, цепдан фойдаланилади.





### 3. Бошқарув механизмига қўйиладиган талаблар.

3.1. Қурилма қўлда оsonлик билан бошқарилиши керак (механик):

- Таранга қарши мосламанинг ён томонида (конструкциядан камида 1 метр масофада) жойлашган пойдевор устидаги рулни ёки тутқични буриш орқали.

- Бошқарув механизми (тутқич) олинадиган бўлиши керак.

### 4. Қурилманинг ишлашига қўйиладиган талаблар.

4.1. Кўтариш ва тушириш қўзғалиш механизми айланадиган қўл ғилдираги билан амалга оширилади.

4.2. Кўтариш ёки тушириш вақти 6 сониядан ошмаслиги керак.

4.3. Таранга қарши мосламанинг иккала томоннинг кўтариш ва тушириш вақти биргаликда содир бўлиши керак.

4.4. Қурилма -30 дан 70 ° С гача бўлган об-ҳавода ишлаши керак.

### **5. Қурилманинг рангига қўйиладиган талаблар.**

5.1. Ҳаракатланувчи қисмларнинг ранги огоҳлантирувчи рангига (қора-сарик ёки оқ-қизил) эга бўлиши керак, у визуал равишда йўлнинг қатнов қисмига кескин қарама-қарши бўлиши керак (йўл бетон ёки асфальт).

### **6. Бошқа характеристикалар ва талаблар.**

6.1. Ўрнатовчи корхона бетон қуйиш усулини кўрсатувчи ҳар бир структура учун бетон қуйиш чизмасини тақдим этади (бетон синфи камида М300 бўлиши керак).

6.2. Қурилманинг ишлаши юқори интенсивликни таъминлаши керак.

6.3. Ишлаб чиқарувчи корхона даврий ва жорий техник хизмат кўрсатиш тартибини белгилайди.


6.4. Ўрнатилган қурилма ва бажарилган ишлар учун кафолат муддати камида 1 йил бўлиши керак.

**Ҳарбий сафарбарлик,  
жанговар тайёргарлик ва  
қўриқлаш бўлими бошлиғи,  
божхона хизмати майори**




**А.Ахмедов**

**Моддий техника таъминоти  
бўлими бошлиғи, божхона  
хизмати майори**



**Н.Ахмадалиев**

**Молия-иқтисодиёт  
бўлими бошлиғи, божхона  
хизмати подполковниги**



**Х.Усмонов**

**Капитал қурилиш гуруҳи  
бош инспектори, божхона  
хизмати капитани**



**Д.Холматов**